

ДОНШЕНТИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

№ 31 (8. 229)

1993 йил

18 февраль, пайтанба

Нархи 5 сўм



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ЭНГ МУҲИМ ШАРТ

Кеча Тошкентда халқаро семинар ўз ишینی бошлады. Унда Америка, Туркия, Венгрия, Болгария, Чехия, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон вакиллари иштирок этмоқдалар. Семинар кун тартибига битта — «Жамиятда сиёсий келишув — иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун зарур шарт» масаласи қўйилган.

Семинарни жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетлари ректори, профессор С. Саидқосимов ва АҚШ халқаро муносабатлар миллий демократия институтининг вакили Ж. Чевин кичи сўзи билан очдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Султонов мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг анжуман қатнашчиларига табригини ўқиб эшиттирди.

АҚШнинг Ўзбекистондаги факултетида ва мустот элчиси Г. Л. Кларк семинар қатнашчиларини табрикларда ва яқинда миллий мустақилликни қўлга киритган Марказий Осиё республикаларида тув иқтисодий ислохотлар ўтказиш, уларнинг тез орада жаҳон интеграция қараёнига қўшилиши учун сиёсий барқарорлик зарур эканини таъкидлади. Шу маънода бу анжуманининг минтақадаги сиёсий барқарорлик таъини

бўлган Ўзбекистонда ўтказилганга ҳам бежиз эмас. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги С. Сафоев, республика Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов, «Ўздавнефтегаз» акционерлик бирлашмасининг бош директори А. Хусанов нутқ сўзладилар.

Анжуманда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, АҚШ, Чехия, Венгрия, Туркия ва Болгариядан вакиллар иштирок этмоқдалар. Семинарнинг алпи на тармоқ мажлисларида сиёсат ва иқтисодий ислохот, мақсуд ислохотлар даврида ҳамжиҳатликни таъминлашда сиёсий партияларнинг аҳамияти, қишлоқ хўжалигида ислохот ўтказиш каби бир қанча масалалар муҳомама қилинади. Семинар уч кун давом этади.

Муҳбиримиз ушбу семинар ташкилотчиларидан унинг мақсадлари ҳақида ҳикоя қилиб беришларини сўради.

С. С. САЙДҚОСИМОВ, жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетининг ректори (Ўзбекистон);

— Бу мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг семинар қатнашчиларига табрикномасида ўзининг ёрқин ва лўнда ифодасини топган. Табрикномада ушбу семинар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентда йил бошида бўлиб ўтган учрашувида қабул қилинган муҳим қарорларни амалга оширишда катта аҳамият касб этганига умид билдирилган. Ушбу учрашувда ҳам, бугунги семинаримизда ҳам барча сиёсий кучлар саъй-ҳаракатларини иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга бирлаштириш мақсади кўзда тутилган.

Ж. ЧЕВИН, халқаро муносабатлар миллий демократия институтининг вакили (АҚШ);

— Биз жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетининг билан биргалликда ушбу семинар ташкилотчиларини таъминлашга кўрсаткич ҳисобланамиз. Бу ердаги фикр алмашувлар бир-биримиз билан сиёсий ва иқтисодий ўзаралиқлар таъминлашга кўрсаткич ҳисобланамиз. Бу аса шировад натижада ҳар бир давлат учун ҳам, айни пайтда ҳар бир фуқаро учун ҳам гоят фойдалидир.

М. М. ТАЖИН, Қозоғистон Президентини ва Вазиранга мақамаси аппаратининг бўлим муҳри;

— Ушбу семинар Урта Осиё минтақаси, шу жумладан, Ўзбекистон тўғрисида ҳам объект ахборот шаклланишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Бу аса баъзи давлатларга бизнинг мамлакатларимиз тўғрисидаги аввали нотўғри тасавурлардан воз келишга ва биз билан самарали ҳамкорлик ўрнатишга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги С. С. Сафоев, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов ва бошқалар ҳам бозор иқтисодийга ўтишни ҳозирги мураккаб пайтда сиёсий келишув иқтисодий ислохотлар муваффақиятининг ўз муҳим шарт эканини тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилди.

Эртага семинарда секциялар бўйича машғулотлар бўлиб ўтади. Уларда иқтисодий ислохотлар даврида ижтимоий товуликка эришишда сиёсий партияларнинг роли, муваффақиятлик иқтисодий ислохотларнинг ички сиватта таъсири, ахборот иқтисодий ислохотлар манфаатлари учун ижтимоий келишувга эришиш воситаси сифатида ва бошқа мавзуларда баҳс-мунозаралар бўлиб ўтади.

Слодат **ТОҲИРОВА**.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХУЖАЛИК СУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМГАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, улар зиммасига юклаган вазифалар ва юмушларни бажариш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси олий хўжалик судининг Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларини ривожлантириш жамгармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин;
2. Белгилаб қўйилсинки: Давлат божи ва республиканинг хўжалик судлари кўриб чиқадиган ишлар юзасидан ундириб олинган жарима маблағларининг 10 фоизи мазкур жамгармага ўтказилди; жамгарма маблағларидан хўжалик судларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳудудларини ижтимоий муҳофаза қилиш учун фойдаланилади.
3. Ўзбекистон Республикасининг Вазиранга мақамаси бир ҳафта мудат ичида Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судларини ривожлантириш жамгармаси тўғрисидаги низоми тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**, Тошкент шаҳри, 1993 йил 17 февраль.

ҚАРДОШЛАР ТАШРИФИ

17 февраль кунин Татаристон Республикаси Бош вазири **М. Собиров** бошлик хукумат делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Пойтахт тайёрагоҳида Татаристон Республикаси хукумати раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири **А. Муталов** ва бошқа расмий кинилар кутиб олдилар.

Таркибда вазиранга ва ишончдорлар бўлган хукумат делегацияси икки кунлик сафар давомида Ўзбекистон Республикаси хукумати билан музокаралар ўтказди, мамлакатимиз ҳаёти билан танишди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Татаристон Республикаси ўртасида 1993 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кўзда тутилмоқда.

(ЎзА).



Тошкентдаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-цех ишчилари янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ мақсудот сифатини оширишга катта эътиборни қаратдилар. Шу кунларда бу жамоада бўлган киши унинг аъзолари томонидан тай-

ёрланган буюмларнинг сифати сезиларли даражада яхшиланиб бораётганининг гувоҳи бўлади. **СУРАТДА:** шу цехнинг пешқадим тикувчиларидан бири **Дилфуза Сотиболдиева**, Абдусаттор **Тўраев** сурати.

* Қурилиш майдонларида СЎНГГИ БОСҚИЧДА

ШАҲРИМИЗНИНГ «Белтепа» мавзесида яна бир тўққиз қаватли турар жой биноси қад кўтарди. Қурилиш ишларини Тошкент давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли йиллик ҳажимли-блочли таъриба уйбослик комбинатининг 1-қурилиш бошқармаси азаматлари амалга оширишмоқда.

Қурувчилар мазкур уйни

ўз вақтида топшириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Қурилиш материалларининг тақчиллигига қарамастан улар ҳозиргача анча ишларни амалга ошириб қўйишди.

Айни пайтда 252 хонадонга мўлжалланган бино қурилишидаги асосий ишлар низомига етказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бино қурилиши сўнгги босқич-

га кирди. Ҳозир бу ерда пардозлаш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг «Узсантехгазмонтаж», «Узэлектромонтаж» трестлари ва бошқа пардозловчилар амалга оширишмоқда. Винокорлар бу уйни шу йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топшириш ниятидадилар.

Ғулom ЮСУПОВ.

* Қарор ва ижро АҲОЛИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар Хокими **А. И. Фозилбеков**нинг 1992 йил 23 апрелдаги «Бозор муносабатларига ўтиш шартинда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида»ги фармойишига асосан Бектемир районида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Қисқа вақт ичида 300 дан ортиқ кичик корхоналар ва ширкатлар рўйхатдан ўтказилиб, ишга туширилди. Бу билан 3 мингдан ортиқ район аҳолисини иш билан таъминлашга эришилди. Айни пайтда шунга ўхшаш кичик ҳажимдаги иш жойларини қўйишти-

риш давом этмоқда. Бундан ташқари райондаги мавжуд маҳалла гузарларини барпо этишга иш билан таъминлашга доир чоралар тўғрисидаги фармойишига асосан Бектемир районида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Қисқа вақт ичида 300 дан ортиқ кичик корхоналар ва ширкатлар рўйхатдан ўтказилиб, ишга туширилди. Бу билан 3 мингдан ортиқ район аҳолисини иш билан таъминлашга эришилди. Айни пайтда шунга ўхшаш кичик ҳажимдаги иш жойларини қўйишти-

риш давом этмоқда. Бундан ташқари райондаги мавжуд маҳалла гузарларини барпо этишга иш билан таъминлашга доир чоралар тўғрисидаги фармойишига асосан Бектемир районида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Қисқа вақт ичида 300 дан ортиқ кичик корхоналар ва ширкатлар рўйхатдан ўтказилиб, ишга туширилди. Бу билан 3 мингдан ортиқ район аҳолисини иш билан таъминлашга эришилди. Айни пайтда шунга ўхшаш кичик ҳажимдаги иш жойларини қўйишти-

ФАХРИЙЛАР АНЖУМАНИ

ЯҚИНДА Шайхонтоҳур район фахрийлар кенгашининг йилги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Кенгаш ташкил бўлган буён ўтган икки йил давомида бажарилган ишлар ҳақида унинг раиси **Нисшонбой Асадов** ҳисоботи тизилди.

Ҳисобот юзасидан музокарада қатнашганлар ўтган вақт ичида анча ишлар бажаришганини таъкидладилар. Шунингдек кенгашда ногиронлар, уруш қатнашчилари, фахрийларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан катта ишлар олиб боришганини гапирди.

Йилги мажлисда рабон хокими **Адҳам Миржаалилов**, ХДП кенгаши биринчи котиби **Эркин Холмираев** қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Эсонмурод **АННАЕВ**.

Услубий тавсиянома

САНЪАТ олий ўқув юртиларида талабаларни тасвирий санъатнинг ижодий ёнлари билан яқиндан ошно қилишда турли усул ва методик тавсиялар муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра умидли мўйлаҳам соҳибларнинг рассомлик санъати оламига олиб киришга бағишланган қўлланмалар яратилишга катта аҳамият берил-

Танлов ғолиблари

ЎЗБЕКISTON Республикаси Журналистлар уюшмаси Ўзбекистон Давлат телерадио компаниясининг жумҳуриянинг мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб ўтказган энг яхши телекўрсатув ва радиокўрсатувларнинг кўрин-танлов ғолибларини аниқлади.

«Ўзбекистон Ватаним» маънавий публицистик телекўрсатувининг муаллифи **Қодиржон Собиров**, таловига «Кенгаш кенг дунё бу...» муслиқий эшиттириши билан қатнашган **Маъфура Мухаммадова**.

Гулчехра **ЮНУСОВА**.

Танлов ғолиблари

М. Уйғур номидаги Санъат институтини рассомлик факультети қалам тасвир кафедрасининг ўқитувчиси **Э. Машрапов** ҳам бу борада жиддий изланиш олиб бориб, йиллик услубий тавсиянома қўлланмасини тайёрлади. Бу қўлланма яқинда муҳомамадан ўтди.

Сурайиб **ОДИЛОВА**.

Танлов ғолиблари

ЎЗБЕКISTON Республикаси Журналистлар уюшмаси Ўзбекистон Давлат телерадио компаниясининг жумҳуриянинг мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб ўтказган энг яхши телекўрсатув ва радиокўрсатувларнинг кўрин-танлов ғолибларини аниқлади.

Гулчехра **ЮНУСОВА**.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

- Қоракўлгоғистонда янги нефть ва газ конларини қидириб топишга хорижий сармоядорларни жалб этиш мақсадида Қоракўлгоғистон — Америка корпорацияси ташкил этилди. Бу мақсадларга 15 миллион доллар ажратилиши мўлжалланмоқда.
- Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигида ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар соғлиқини текшириш бўйича кенгаш кенгаш бўлиб ўтди.
- Тошкент вилояти хўжаликларига эртгаги савзавот экинлари экиш бошланди. Тошкент туманидаги **Насоий** номидаги **Ғиёс Умаров** номидаги жамоа хўжаликларига шу ой бошининг илки келган кунларда пиларга остига эртгаги қарам экилди. Туманда бу йил 400 гектарга яқин майдонда эртгаги қарам экиш мўлжалланган.
- «Фаргонанефтеоргсинтез» ва «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмалари ўз даромадлари ҳисобидан Фаргона вилояти ички ишлар бошқармаси ҳамда миллий хавфсизлик хизмати **Жанубий Кореянинг «ДЭУ»** фирмасида ишлаб чиқарилган «ТИКО-ПМ» энгил автомобиллари сотиб олиб бердилар.
- Андижонда Фаргона воҳасида биринчи кардиология маркази очилди.

ҲАМДУСТЛИҚДА

- Москвада Ҳамдустлик мамлакатлари қуролли кучлари штаблари бошлиқларининг кенгаши бошланди. Унда Молдова, Грузия ва Озарбайжон кузатувчилар сифатида иштирок этмоқдалар.
- Россияда энг кам — 12 фоз миқдорда даромад солиғи олинадиган йиллик даромад миқдори аввалги 200 миң рублдан 1 миллион рублга кўтарилди. Бу пул қадрсизланаётганлиги сабабли қилинди.
- Қирғизистонда энг нархи яна ошди. Энди бир буханка қора нон 18 рубль туради.
- Россия нефть қазиб олиш қамалини кетайтганлиги сабабли 1993 йилда Украинага аввал келишилганлигидан 3 мароуба кам — энг кўпи билан 15 миллион тонна нефть этказиб бериши мумкинлигини билдирилди.
- Россия Президенти **Борис Елцин** Олий Кенгаш Раиси **Руслан Хасбулатов** билан 16 февраль кунин ўтказган учрашувининг натижасидан ташқари сўздинин март ойининг биринчи ўн кунлигида чақирилиши тақдир этиди. Унда мамлакатда апрель ойида ўтказилиши мўлжалланган референдум тақдирини ҳал этиш мўлжалланмоқда.
- Арманистон Президенти **Левон Тер-Петросян** иқтисодий вазир, 35 йилли **Грант Баграмян** бош вазир этиб тайинлаш тўғрисидаги фармойишга имзо чекиди.

ХОРИЖДА

- Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги вазирлиги Россияга 18,1 миллион доллар турадиган 125 миң тонна бугдойни бепул берадиган бўлди.
- Қозоғистон Президенти **Нурсултон Назарбаев** Мисрга расмий ташрифидан сўнг Туркияга келди. Бу ерда у Туркия Республикаси хукумати бошлиги билан учрашди.
- Австрия иқтисодий тадқиқотлар институти маълумотларига кўра, Шарқий Европа мамлакатлари, шу жумладан собиқ СССР республикаларининг ташқи қарзи 1992 йил охирига келиб 195 миллиард АҚШ доллариға етди.
- Украина—Куба дўстлик уюшмаси Украина Президенти **Леонид Кравчук** Кубага расмий ташриф билан боришини маълум қилди. Ҳозирча бу ташриф мўддати аниқланмаган.
- Ҳиндистон пойтахти **Деҳлида** 72 кун амал қилиб турган қомандантинге соати **Бекор** қилинди. Бу мамлакатда диний негиздаги ўқишушулар давомида 1500 нафардан кўпроқ киши ҳалок бўлди.
- Хитой Коммунистик партиясе мамлакат Конституциясидан жамоа хўжалиқлари — халқ коммуналари ва ишлаб чиқариш бригадалари сўзларини олиб ташлашни тақдир этмоқда. Компартиянинг фирқачи, Хитой Ассосий Қонунда жамоа хўжалиқлари ўрнини олиб иккарасига асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари тузилмалари — фермер хўжалиқлари эғаллаши керак.
- Яқин Шарқ мамлакатлари қурол-яроғ сотиб олишга йилга 48 миллиард доллар сарф-харажат қилаётган эканлар.
- Исроилга Югославиянинг собиқ республикаси—Босниядан 84 мусоалом қочқор келди. Улар француз самолётида Хорватиянинг **Загреб** шаҳридан олиб келинди.

Ногиронларга ғамхўрлик

РЕСПУБЛИКА Уруш ногиронлари шифохонаси ўзининг кўп йиллик фаолиятини мобайнида қўллаб беморлар соғи олтига етди. Юрак саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ҳурматинон қозониб, Бугунги кунда ҳам бу ерда намунали муолажалар олиб боришмоқда.

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

дилликда, бу ерда 540 нафар бемор даволаниши мумкин. Касалхонадаги бўлимлар соғи олтига етди. Юрак қон-томир, асаб хасталиклар улар ҳурматинон қозониб, Бугунги кунда ҳам бу ерда намунали муолажалар олиб боришмоқда.

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди

Бундан ўн йил муқаддам пифохондаги ўринлар сонин 200 тадан ошмас эди. Энди



«Қизил тонга» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси мақсудотларига бўлган талаб йил сайини ортиб бормоқда. Бунинг ахши тушушган корхона тикувчилари аҳолини янги-янги модадаги буюмлар билан таъминлашга астойдил ҳаракат қилимоқдалар. **СУРАТДА:** корхонанинг 4-цех тикувчиси **Насиба Собирова**, **Алимурод Маммадининов** сурати.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Рустам МИРСОДИҚОВ:

«Кўчада тўп тепиб катта бўлганман»



Бизнинг маълумот

Рустам Мирсодиқов 1954 йилнинг 19 мартда Тошкент шаҳрида туғилган.

Онаси — Тўфа опа нафақада. Оилали. Икки қиз бор.

«Пахтакор» жамоасининг бош мураббийси.

— Рустам ака, аввало, футболга кибриб келишингиз тарихи ҳақида муштаракимизга сўзлаб берсангиз.

— Узимда спортга, қолаверса, футболга бўлган муҳаббат болалигимда кўчада тўп тепиб юрган чоғларимда уйғонган десам адашмайман. Ҳаётини футболга бағишлаган аксарият инсонлар билан бу жиҳатдан ўхшашимиз.

— Кейинроқ Г. Титов номидаги республика спорт мактабига тахсил олдим. Фурсатдан фойдаланиб менга дастлабки профессионал спорт сабоқларини берган устозларим — Маннон Алимов, Ваҳид Ятченко, Исоқ Тошмухамедов, Гурам Дороселия катта миннатдорчилик билдиришмоқчиман.

— Спорт мактабининг битиргач қайси жамоаларда тўп сурдингиз?

— Очғини ўзим уйнаган жамоаларимни санасам футбол иштирокида мени уйнамаган жойи қолмаган экан-да, деб уйлашлари ҳам мумкин. Лекин оилавий шароитим, имкониятдан келиб чиқиб шундай қилишга мажбур эдим. Бир томонда ота, бир томонда ўғил...

— Қисқаси, 1972—1975 йиллар давомида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасида марҳум дўстларим Олим Аширов, Михаил Анлар билан тўп урдим. Сўнгги Тошкентнинг «Трактор» ЖИЗАСининг «Бўстон», Самарқанднинг «Динамо», Халқободнинг «Соҳиббўра» жамоаларида ўйнадим. 1989 йили эса ўзининг биринчи марта мураббийлигида синиб юрдим. Уни аяқиса, ўз кунимиз билан ташкил этган «Политгадел» жамоасида бошлаганимдан хурсандман.

— Энди «Пахтакор» ҳақида сўз-батлашсак. Мавсумга тайёргарлик ишлари қандай кетяпти?

— Январь ойидан бошлаб Қиبرىдаги спорт базамизда кунга икки мартадан мавсумга тайёргарлик бошлаганимиз. Ҳозирги кунда асосан жисмоний тайёргарликни такосиллаштириш устида иш олиб бораялими.

— Жамоада қандай ўзгаришлар бор?

— Деярли ўзгаришлар йўқ. Утган мавсумдаги таркиб тўла сақланиб қолган. Бундан ташқари «Трактор» ва «Чирчиқ» жамоаларида тўп сурган вакилларимиз Стас Моргулис, Дмитрий Ивангородский, Николай Ширшов яна «Пахтакорга» қайтишди. Илгари улар асосан заҳирадаги ўйинчилар эдилар. Бекор ўтиригунча Бекор ишла, деган нақлга амал қилиб тажриба ортқиради учун қўшни жамоалар иштирокига юборгандик. Янги мавсумда улар «Пахтакор» таркибига майдонга тушадилар.

— Москвада ўтказилган Ҳамдўстлик давлатлари чемпионлари турнирида муваффақиятсизлигини қандай изоҳлайсиз?

— Кеңирасиз, мен Москва турниридаги иштирокимизни муваффақиятсиз деб баҳоламоқчи эмасман. Биринчидан, бош мураббий сифатида йигитларимнинг ўйинидан қониқиб ҳосил қилдим. Бундан ташқари турнирнинг усти ёпиқ ўйингоҳда ўтказилганлигини унутмаслигимиз лозим. Ваҳоланки, Ўзбекистонда бирорта ҳам бундай спорт иншооти мавжуд эмас.

— Олдимиздаги асосий мақсадимиз собиқ СССР республикаларида футбол қай даражада ривожланиб бораётганлигини бевосита ўзаро мулоқот даврида куриш эди. Қолаверса, йигитларимизнинг маҳорати айнан шундай халқаро турнирларда сайқалланади. «Пахтакорнинг» тажрибали футболчиларидан тортиб эндигина катта спортга кириб келадиган вакиллари учун 1989 йилдаги СССР чемпионатида иштирок этишдан бош тортган Грузия футбол саъясининг ўз кўзи билан куриш жууда қизиқарли бўлди.

— Бундан ташқари Россия, Молдова давлатлари жамоаларининг ўйинлари ҳам маълум маънода бизга салмоқли сабоқ дорслари берди, деса янглишмайман. Шундай экан, турнирдаги иштирокимизга мана шу нуқта назардан қараган маълумроқ, менимча.

— Утган йили «Пахтакор»нинг кўп-лаб ўйинлари Қиبرىда ўтказилди. Бу эса кўп-лаб мухлисларнинг ражикти. Ушунда бунинг сабабларини «Пахтакор» ўйингоҳи маъмуриятининг катта миқдорда ижара ҳақи сўраётганлиги, жамоа эса бундай маблагага эга эмаслиги билан изоҳлашга ҳаракат қилишганди. Бу йил ҳам ана шундай ҳолатлар бўлиши мумкинми?

— Албатта, биринчи мавсумдаги бундай ноқуш ҳолатлар кўпчилигини ражикти. Шубҳа йўқи, бу ўйламай босилган нотўғри қадам бўлганди. Футбол томошабин билан ўзгалди. Биз ҳам ана шу фидойи мухлисларимиз учун майдонга тушамиз. Шунинг учун ҳам эшик қоқиб келадиган янги мавсумда «Пахтакорнинг» барча ўйинлари шаҳар марказидаги «Пахтакор» Марказий ўйингоҳида ўтказилади. Улар бизни кўллаб-қувватлаб турсалар бўлган.

— Бир мунча вақтдан буён Ўзбекистон миллий чемпионатини «Баҳор-куз» тартибига ўтказиш ҳақида гап-сўзлар юрибди. Унга мутахассислар турлича муносабат билдирмоқдалар. Масалан, Биродар Абдураимов «Спорт» газетаси муҳбири билан қилган суҳбатда, юртимиз иқлими шароитининг Европа мамлакатларидаги ўзгачароқ эканлигини таъкидлаб «Баҳор-куз» тартибига ўтказишга қатъий қарши эканлигини билдирган. Мутахассис сифатида бу масала юзасидан сиз қандай фикрдасиз?

— Маълумки, эсимизни тенганимиздан буён бир мавсумли тартибга асосланган чемпионатда ўйнаб келганимиз. «Баҳор-куз» тартибига ўтказиш, эски тартибдан чиқиб кетиш эса вақт талаб этади. Менимча, уни аста-секин амалга оширган маълум қайси бир тартиб афзал, деган саволга келадиган бўлсак, Осиё ўйинларида иштирок этишимиз мунча экан, эртани, кечми, истаймизми-йўқми, футболимиз раванки учун «Баҳор-куз» тартибига ўтишга мажбуримиз.

Яна ўша Сайдали

ТОШКЕНТДА тензор шахмат бўйича ўтказилган Ўзбекистон куботи якунланди. 89 нафар спортчи иштирок этган маъмур мусобақа швейцарча тартибда ўтди ва голиб фақат 10 турдан сўнггина аниқланди.

Биринчи даражали шахматчидан тортиб халқаро гросмейстерларга қатнашган кубок баҳсларида биринчи ва иккинчи ўринларни чирчиқлик Сайдали Йўлдошев ва Александр Ненашевлар бўлиниб олдилар.

Бухоро вилояти вакили Сергей Нодирхонов учинчи, Григорий Серпер тўртинчи ўрин билан кифояланди.

Тошкентликлар голиб

ДУНЕДАГИ энг машҳур шарқ янка кураши турларидан ҳисобланмиш — каратэ кун сайин республикамиз ҳудудига ривож топиб бормоқда. Кун кеча Андижонда ўтказилган Ўзбекистон чемпионати буни яна бир қарра исботлади.

Қизғин ўтган баҳсларда йигитлар ўртасида Тошкент шаҳри вакиллари, қизлар орасида андижонликлар биринчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда голиб чиққан ҳамшаҳарларимиз ичинда умидли спортчилардан Ольга Пак ва Шавкат Илов ҳам бор.

Навбатдаги ғалаба

ҲАМШАҲРИМИЗ, энг ҳақиқат мавжудлигини яна тил атлетикачи Марина Шмонина ҳақида сўз бор.

— Бундашда ниҳоятда етган эришган ғалабаларини эслаб, «400 метрга югуриш қон-қонига сингиб кетган», деб қўйишди. Яқинда Марина бу гап-маррага биринчи бўлиб етиб лар замирида чиндан-да келди.

Эшитдингизми?

ҚАЛАМКАШЛАРГА МУКОФОТЛАР

МОСКВАНING «Империал» енгил атлетика клуби Россиянинг энг бадавлат ташкилотларидан бири ҳисобланади. Унинг ўз спортчиларига бераётган ойлик маоши миқдори бошқа федерацияларникидан ўни, ҳатто йигирма марта юқори. Яқинда «Империал» раҳбарлари янгилик жорий этишга қарор қилдилар ва енгил атлетика мавсумида қалам табратадиган энг яхши журналистлар ўртасида тенлов эълон қилдилар. Голибларга ойига 20 миң сўм миқдорда мукофот бериледи. Бундан ташқари энг яхши ва омадли журналист йил охирида ...100 миң сўм мукофот билан тақдирланади.

СПОРТЧИНИНГ ҲАЁТИ ВА УЛИМИ

XX асрнинг энг буюк теннисчиларидан бири, «Катта дубулга» мусобақаларининг кўп бор голиби Артур Эш СПИД хасталигидан вафот этди.

Нафақат Америка, балки бутун дунёда ирчиликка қарши толмай кураш олиб борган бу спортчи 1979 йили юрак хасталиги билан оғриб катта спортни тарк этганди. Лекин операция даврида унинг қонига СПИД хасталиги юққанлиги маълум бўлиб қолган ва XX аср вабосига қарши курашувчи комитет тузди. Бу йўлда тинимсиз тадбирлар уюштирди. Афсуски, давосиз хасталик 49 йилда унинг ҳаёт шамини сундириди.

Кун кеча ҳеч қачон Олимпиада ўйинларида иштирок этмаган бўлса-да ХОК қарорига биноан Артур Эш Олимпиаданинг олий мукофоти билан тақдирланди.

«РОМА» ХАВФ ОСТИДА

ИТАЛИЯНИНГ машҳур футбол жамоаларидан бири бўлган «Рома» миллий чемпионатининг олий лигасини... моддий муаммолар сабаб тарк этишга мажбур бўладиган қўринадди. Жамоанинг ҳисоб-китоб дафтарларини текширган комиссия 10 миллион доллар миқдорда қамолат тошган. «Агар март охиригача барча пуллар ўз жойига қўйилмаса, дейилган комиссия қарорда — «Рома» чемпионатдан четлаштирилади».

Лекин жамоа президенти Жузеппе Чинарранко журналистлар билан бўлган суҳбати чоғида, на Италия футбол федерацияси, на юқорида тилга олинган комиссия томонидан бундай тәҳдибли сўзлар эшитмаганлиги, лозим бўлса 10 миллион эмас, унданда кўпроқ қамоматни тўлдирши имконига эга эканлигини таъкидлади.

БРАЗИЛИЯЛИКЛАР СОТИЛАДИ

БУГУНГИ кунда Бразилия жаҳон давлатлари орасида четга энг кўп футболчи сотаётган мамлакат ҳисобланади. Масалан, 1992 йили ҳаммаси бўлиб 221 киши хорижга омад излаб кетган. Хориждорлар ичинда Португалия жамоалари анча бадавлат чиқиб қолди. Маҳаллий футбол клублари ўтган йили жами 77 бразилиялик футболчини сотиб олган. Ундан кейинги ўринда Мексика (17 ўйинчи), Япония (13 ўйинчи) бормоқда. Лекин шунинг ҳам айтиб ўтиш лозими, юқоридаги мамлакатларга асосан танилмаган, ўртача маҳоратга эга бўлган футболчилар борадилар. «Одузлар» эса Франция, Италия, Германия, Испанияга «иқодий» сафар қилишни афзал кўрадилар.

Бундан ташқари бразилияликларини футбол жууда кам тараққий этган Гонконг, Малайзия, Таиланд каби давлатларда ҳам учратиш мумкин.

Спорт олимпиадаги ангилликларини «Тошкент оқшоми» спорт шарҳловчиси Шўҳрат ЗОКИРОВ таъйрлади.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ҲАВВАЛАЛАРИ ВА ЭЪЛОМАЛАР

КОРХОНА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОМБОРДАН АВТОСЕРВИС УЧУН ҚУЙИДАГИ МАХСУС АВТОУСКУНАЛАРНИ

СОТАДИ:



Станок балансировочный eldis-1200.

Мувоозанатлаш дастгоҳи;

шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш мосламаси;

гидроакцияларнинг жойлашувини ростловчи кўтаргичсиз стенд;

шиналарни хом резинка ёрдамида таъмирлаш (вулканизациялаш) мосламаси;

энг аъло (супер) асбоб;

зарядлаш-қувватлантириш қурилмаси;

патронсиз электр парма (дрель);

гидравлик исканжа;

гидравлик усулда шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш мосламаси;

тўрт устулни кўтаргич;

икки устулни кўтаргич;

пайвандлаш апарати.

Тулов усули — турлича. Олдиндан 100 фонз ҳақ тўланади. Тошкент шаҳридан буюртмачининг ўзи олиб кетади.

Мулоқот телефонлари: 34-25-81, 34-66-44.

МАНЗИЛНИМ: 700099, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-ноҳа, «Шахристон» бекаети (янги телеминора ёнида).

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ»

НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108^{1/32}, 70×108^{1/32}, 84×108^{1/16}, 70×108^{1/16};

— рангли буклетлар, проспектар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, ортиқчалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90×120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли кутчалар;

— Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғоз ёки босма материалларни топишда қўйилсангиз хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача, асл нуسخадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Қилише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерни қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Урожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй. Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

Юнусобод району ҳокимининг ижроия маққамаси район Давлат назорати қўмитасининг давлат назоратчиси Г. Муҳлисовга янши Вахшипло МУХЛИСОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нэхор қилади.

Юнусобод району ҳокимининг ижроия маққамаси район прокурори Р. Журовага қайнонаси Олия УМАРОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нэхор қилади.

ЖАМОАНИНГ

НОМИ

ЎЗГАРДИ

ЎЗБЕКИСТОН футбол чемпионатининг олий лигасида ушбу мавсумда ўтган йилдагидек 18 эмас, балки 16 жамоа қатнашиши мўлжалланмоқда. Улардан учтаси мавсум бошидаёқ ўз номини ўзгартиринга қарор қилди.

Самарқанднинг «Мароқанд» жамоаси бундан буён яна «Динамо», МАСК — Тошкент номи билан майдонга тушади.

«Пахтакор—79» эса бутунлай Қиبرى спорт базасига кўчиб ўтди, эндиликда у «Биноқор — Пахтакор—79» деб аталадиган бўлди.



Кинга қайту, кинга қувонч...

СОВРИНЛАР ТОПШИРИЛДИ

ЯҚИНДА Тошкентда қўл жанги бўйича ўтказилган республика турнири ниҳоятда етди. Гарчи унга Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан вакиллар келиши кутилган бўлса-да моддий қийинчиликлар уларнинг бу истагига тўққинлик қилди.

Олмалик, Газалкент, Тошкент шаҳри ва вилояти вакиллари иштирок этган турнир жууда қизилқор ўтди. Пойтахтлик спортчилар кўп жиҳатлари билан рақибларидан устун эканликларини исботладилар. Голиб чиққанлар сарфидан ҳамшаҳарларимиз И. Першин,

В. Сарманов, Ф. Худойназаровлар жой олдилар. Қизлар ўртасида бош соврин тошкентлик М. Аҳмедовага насиб этди. Голибларга шунингдек турнирнинг бош ҳомийси — Газалкент шифа заводида тайёрланган махсус совринлар ҳам топширилди.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Тошкент оқшоми. МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700006, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67. Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўриллиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар эъмомасидадир. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаатчилик концернининг босмаҳонаси.